

Суд ҳукми Жиноят-процессуал кодексининг 494-моддасига зид равишда бекор қилинганлиги сабабли иш янгидан апелляция инстанциясида кўриш учун юборилди.

Жиноят ишлари бўйича Гулистон шаҳар судининг 2013 йил 5 июлдаги ҳукмига кўра, Ш. Жиноят кодексининг 277-моддаси 3-қисми "а" банди билан Жиноят кодексининг 60-моддаси тартибида 3 йил 3 ой озодликдан маҳрум қилиш, Жиноят кодексининг 277-моддаси 2-қисми "б" банди билан Жиноят кодексининг 57-моддаси қўлланиб, 3 йилдан ахлоқ тузатиш ишлари жазосига судланган.

Жиноят ишлари бўйича Жиззах вилояти суди апелляция инстанциясининг 2013 йил 26 сентябрдаги ажрими билан суд ҳукми бекор қилиниб, жиноят иши янгидан судда кўриш учун юборилган.

Суднинг ҳукмига кўра, Ш, С, Б. ва Ж. бошқа номаълум шахслар билан бир гуруҳ бўлиб, жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасдан менсимасдан, Гулистон шаҳрининг 3-мавзесидаги Ўзбекистон шох кўчасида жойлашган "Гулистон экстракт-ёғ" ОАЖ ҳудудига девордан ошиб ўтиб, 4-сонли постдаги қоровуллар К. ва М.ни уриб-дўппослаб, К.га енгил шикаст етказганлар.

Жиноят-процессуал кодексининг 494-моддасига мувофиқ, оғирроқ жиноятга доир қонун моддаларини қўллаш зарурлиги муносабати билан ёхуд жазонинг енгиллиги учун жабрланувчи томонидан шикоят берилган ёки прокурор томонидан протест билдирилган ҳоллардагина ана шу асослар бўйича апелляция ёки кассация тартибида ҳукм бекор қилиниши ва иш янгидан судда кўриш учун юборилиши мумкин.

Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги "Судлар томонидан жиноят ишларини апелляция тартибида кўриш амалиёти тўғрисида"ги қарори ўн тўққизинчи бандида, апелляция инстанцияси суди жиноят ишини шахс судланган ёки оқланган айблов доирасида кўриб чиқиши, бироқ шикоят (протест) ким томонидан берилганлигидан қатъи назар, Жиноят-процессуал кодексининг 494-моддасига мувофиқ, суд ўз қарори билан жазони кучайтиришга, шунингдек, оғирроқ жиноятга доир қонунни қўллашга ҳақли эмаслиги ҳақида тушунтириш берилган.

Иш ҳужжатларига кўра, судланувчи Ш. ҳукмдан норози бўлиб, апелляция тартибида ёзган шикоятида айбсизлиги ҳақида важлар келтирган бир вазиятда, апелляция инстанцияси судланувчиларнинг қасди жамоат тартибига эмас, балки оғирроқ жиноят мулкни талон-торож қилишга қаратилгани, судланувчиларнинг ҳаракатлари Жиноят кодексининг 277-моддаси билан нотўғри квалификация қилингани асосида ҳукми бекор қилиб, судланувчиларнинг аҳволини оғирлаштириб қўйган.

Жиноят иши бўйича Ш.нинг апелляция тартибида ёзган шикоятидаги важлари атрофлича текширилиб, ҳуқуқий баҳо берилмаганлиги ҳамда суд ҳукми Жиноят-процессуал кодексининг 494-моддасига зид равишда бекор қилинганлиги сабабли, Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2013 йил 26 декабрдаги ажрими билан Ш, С, Б. ва Ж.га нисбатан чиқарилган апелляция инстанцияси ажрими бекор қилиниб, иш янгидан апелляция инстанциясида кўриш учун юборилди.

ЖСХ-358-13 назорат иши

